

ШАРТНОМА № 01

(Сиқилган табий газ етказиб бериш түғрисида)

«26» январ 2022 йил

Кўшкўпир тумани

«GAS TREDING» масъулияти чекланган жамияти (кейнги бандларда «Газ тўлдирувчи»), номидан, корхона Уставига асосан иш юритувчи раҳбари Б.Саматов бир томондан ва Хоразм вилоят Адлия бошқармаси (кейнги бандларда «Истемолчи») номидан, бошқармаси бошлиги А.Машарипов иккинчи томондан ушбу шартномани туздилар:

1. Шартнома мазмуни

1.1. «Газ тўлдирувчи» «Истемолчи»нинг автотранспортларини сиқилган табий газ билан тўлдиришни, «Истемолчи» эса сиқилган табий газ учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишни ўз зиммасига оладилар.

1.2.

| Махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Жами | Шу жумладан 2022 йил давомида | | | |
|--------------------|---------------|------|-------------------------------|----------|-----------|----------|
| | | | I чорак | II чорак | III чорак | IV чорак |
| Сиқилган табий газ | куб.м | 4000 | 1000 | 1000 | 1000 | 1000 |

1.3. «Истемолчи» автотранспорти сиқилган табий газ билан тўлдирилган кун газ тўлдирилган сана ҳисобланади.

2. Ҳисоб-китоб тартиби

2.1. Шартноманинг умумий қиймати 10400 000 (Дишилчон турғи юз минг) сўм

2.2. Сиқилган табий газнинг 1 м³ баҳоси кўшилган қиймат солиги (КҚС) билан биргаликда 2600,0 (Икки минг олти юз) сўм ни ташкил киласди.

2.3. Сиқилган табий газнинг 1 м³ учун баҳоси хом-ашёлар, моддий бойликлар, ёқилғи-энергетика ресурслари баҳоси ўзгарганда, ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари, карорлари ва норматив актларига асосан ўзгариши мумкин.

2.4. «Истемолчи» автотранспортларини сиқилган табий газ билан тўлдириш «Газ тўлдирувчи»нинг банкдаги ҳисоб ракамига 30% тўлов ўтказилгандан кейин, белгиланган шаклдаги тарқатма жадвал (раздаточная ведомость) бўйича амалга оширилади. Тарқатма жадвал учун тўлов алоҳида ҳисоб-китоб қилинади.

3. Томонларнинг мажбуриятлари ва ҳукуқлари

3.1. «Истемолчи» ГБУ (газ баллонли ускуна) билан жиҳозланган автотранспортларининг техник холати ва техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги, санитария ва экология хавфсизлиги учун жавобгар ҳисобланади.

3.2. «Истемолчи» нинг мажбуриятлари:

а) ГБУ ўрнатилган автотранспортларни ва сиқилган табий газдан фойдаланиш тўғрисидаги амалдаги тартиблар, техник холатлар, кўрсатмалар ва карорларини бажариш;

б) ГБУ ни ва автотранспортларни техник соз холатда саклаш;

в) Йўл ва рақасида автотранспортнинг техник созлиги ҳакида белги кўйиш, баллонлар сони ва геометрик хажми тўғрисида маълумотларни кўрсатиш;

г) Автотранспортни сиқилган табий газ билан тўлдириш учун белгиланган тартибда рухсатнома олиш;

д) Баллонларнинг умумий сони ва геометрик хажми (+,-) 0,5 аниқликда автотранспорт техпаспортида (маҳсус вкладыш) ёзиб кўйиш.

3.3. «Газ тўлдирувчи» ва «Истемолчи» сиқилган табий газ билан таъминлаш ва қабул килишни ой давомида бир маромда, бир кунлик ўртача газ хажми микдорида амалга оширадилар.

«Истемолчи» сиқилган табий газни қабул килиш бўйича барча ўзгаришлар тўғрисида «Газ тўлдирувчи» ни олдиндан 15 кундан кечикитирмай ёзма равища ёки телефонограмма оркали огоҳлантириши шарт.

«Газ тўлдирувчи» АГНКС да жорий ва капитал таъмир ишлари бошланган тақдирда «Истемолчи» ни 3 кун олдин, ишга тушишидан 3 кун олдин огоҳлантиради.

3.4. «Газ тўлдирувчи» нинг мажбуриятлари;

а) Газ ускуналаридан тўғри фойдаланишни, автотранспортлардаги назорат-ўлчов асбобларини ва газни очиш-ёпиш арматуралари созлигини текширади.

б) «Истемолчи» («Истемолчи» вакили) томонидан белгиланган қоидалар, газ тўлдириш регламенти, мазкур шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда автотранспортга сиқилиган газ тўлдиришни тўхтади.

4. Сиқилган газ ҳисоб-китоби тартиби

4.1. «Газ тўлдирувчи» томонидан «Истемолчи» автотранспорти тўлдирилган сиқилган табий газ хажми «Газ тўлдирувчи» нинг ўлчов асбоблари оркали аникланди.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

- 5.1. Сиқилган табиий газни қабул қилиш мазкур шартномада кўрсатилган хажмдан ошган тақдирда кўшимча шартнома тузилади.
- 5.2. Сиқилган табиий газ учун тўловларни амалга ошириш мақсадида «Истеъмолчи» мол-мулкини гаровга қўйиш, кафиллик мажбуриятлари, «Истеъмолчи» карзи эвазига мол мулки билан ҳисоблашиши нотариус томонидан тасдикланган кўшимча шартномалар тузиш орқали амалга оширилади.
- 5.3. Томонлар мазкур шартномада белгиланган шартларни бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгар ҳисобланадилар.
- 5.4. Ушбу шартноманинг амал қилиш муддатида вужудга келадиган келишмовчиликларни «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси қонуни, Иктисолий Процессуал Кодекси ва бошка норматив хужжатларга мувофиқ равишда тартибга солиниб борилади.


6. Форс мажкор

- 6.1. «Газ тўлдирувчи» ва «Истеъмолчи» куйидаги холатларда газ тўлдириш ва қабул қилиш хажмини камайтирганлиги учун жавобгар ҳисобланмайди:
- Газ казиб чикириш конларида, магистрал газ қувурларида, шаҳар, туман газ тармокларида, электр тармокларида кутимаган авария холатлари содир бўлганда;
 - Магистрал газ қувурларида, шаҳар, туман газ тармокларида, электр тармокларида навбатдаги жорий ва капитал таъмир ишлари, синовлар ўтказилганда ва пайвандлаш ишлари даврида.

7. Шартнома муддати

- 7.1. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан кучга киради ва 31 декабрь 2022 йилгача амал қиласи.
- 7.2. Шартнома икки нусхада – ҳар бир томон учун биттадан тузилиб, иккалasi ҳам бир хил юридик кучга эга.
- 7.3. Мазкур шартнома бўйича низолар иктисолий судида, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

8. Томонлар юридик манзиллари ва реквизитлари

| |
|--|
| «Газ тўлдирувчи» |
| «GAS TREDING» МЧЖ |
| Манзил: Кўшкўпир тумани, Кенагас қишлоғи |
| Телефон: (+998 97) 5123697 |
| X/r: 20 208 000 800 887 215 001 |
| Банк: ТИФ Миллий банк Урганч булими |
| МФО: 00547 |
| ИНН: 305 570 539 |
| ОКЭД: 35 220 |
| Рахбар:  Б.Саматов |



| |
|---|
| «Истеъмолчи» |
| Хоразм вилоят Адлия бошқармаси |
| Манзил: Урганч ш. Тараққиёт кўчаси |
| Телефон +99862-226-05-37 |
| X/r: 23 402 000 3001 0000 1010 |
| Банк: Марказий банк Тошкент ш ХККМ |
| МФО:00014 СТИР 201 122 919 |
| Шх/r 401021860334017033602009001 |
| ИНН: 201 480 996 ОКЭД: 84112 |
| Рахбар:  А.Машарипов |



 У. Муминзода